XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING QARORI

2020 yil "29" декабр № 135/20 - sonli

Самарқанд вилоятининг 2021 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, вилоятнинг 2021 йилги маҳаллий бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг VI чақириқ XX сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда - Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Самарқанд вилояти (кейинги ўринларда вилоят деб аталади) маҳаллий бюджетига республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдори 1102,7 млрд. сўмга тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, 2021 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилгиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йигимлар.

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 100 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушиши режалаштирилган тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) ҳамда фойда солиғидан тушиши режалаштирилган тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимлансин.

б) вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа тўловлар тўлиғича ўтказилади:

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар.

в) қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом-ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

г) мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан, пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, шаҳар ва туманлар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

4. Қуйидагилар:

2021 йил учун Самарқанд вилоятини ривожлантиришнинг асосий иқтисодий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

2021 йил учун Самарқанд вилоятининг вилоят бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари 2-иловага;

2021 йил учун Самарқанд вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага;

2021 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага;

2021 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, вилоят Ғазначилик бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари вилоят бюджети билан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ўртасидаги тақсимотни 4-иловада белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилишини таъминласин.

5. Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари 6-иловага кўра белгилаш тавсия этилсин.

6. 2021 йил учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар ҳамда юридик шахслар учун ер солиғи ставкасига чегаравий камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-9-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қуйидагилар:

2021 йил учун вилоят бюджетининг захира жамғармаси ҳажми 12,7 млрд. сўм миқдорида;

2021 йил учун вилоят бюджети шахсий ғазна ҳисоб варағида турадиган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 12,6 млрд. сўмга, вилоят бюджет, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари шахсий ғазна ҳисоб варақларида турадиган бюджет маблағларининг йўл

қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ураков), халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Юлдашев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

солиқ базасини кенгайтириш, иқтисодий салоҳиятни ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назоратни ўрнатиш;

тегишли равишда ҳудудий бюджет маблаглари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига киритиб борилишини таъминласин.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ураков), вилоят Молия бош бошқармаси (Мирзаев), Давлат солиқ бошқармаси (Иноғомов) вилоят телевидениеси (Ихтиёров), “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” бирлашган таҳририяти (Тошев), “Овози Самарқанд” газетаси (Б.Рахмонов)га қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ураков, Шукуров, Абилов, Очилов, Ходжаев, Нуруллаев, Умаров) зиммаларига юклансин.

Кенгаш раиси **Э.Турдимов**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "18" декабрдаги
135/20-сонли қарорига
1-илова

2021 йил учун Самарқанд вилоятини ривожлантиришнинг асосий иқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	43 642,0
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	3,7
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	11,5
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	4,1
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	2,9
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	3,6

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "28" декабрдаги
135/20-сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Самарқанд вилоятининг вилоят бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**1 297 807 561,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	149 659 358,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	758 764 953,0
3	Акциз солиғи, жами	69 015 904,0
	шу жумладан:	
	- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	*69 015 904,0*
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	27 424 299,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	33 967 137,0
6	Давлат божи	95 630 000,0
7	Жарималар	58 950 000,0
8	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	5 600 000,0
9	Йиғимлар	98 795 910,0

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "18" декабрдаги
135/20-сонли қарорига
3-илова

2021 йил учун Самарқанд вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**2 400 523 167,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 161 607 047,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**122 873 300,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**1 116 042 820,0**
1.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**3 572 742,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 572 742,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Халқ таълими бошқармаси**	**122 132 200,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	122 132 200,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси**	**1 088 861,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 088 861,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**423 035 710,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	423 035 710,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	**Маданият бошқармаси**	**41 042 085,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	41 042 085,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**21 763 309,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 763 309,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари**	**3 383 240,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 383 240,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

№	Кўрсаткичлар	миқдори
8.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**11 223 005,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 223 005,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**1 515 333,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 515 333,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси**	**994 999,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	994 999,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**"Ўзагрокимёҳимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти**	**1 350 594,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 350 594,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси**	**129 436 805,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	129 436 805,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Транспорт бошқармаси**	**2 429 153,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 429 153,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**28 311 147,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	28 311 147,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Молия бош бошқармаси**	**1 140 355 474,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	24 312 654,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1 116 042 820,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Вилоят Ғазначилик бошқармаси**	**7 240 838,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 240 838,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**1 124 301,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 124 301,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

№	Кўрсаткичлар	миқдори
18.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**1 218 655,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 218 655,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Туризмни ривожлантириш бошқармаси**	**1 189 076,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 189 076,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**11 513 720,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 513 720,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**5 599 327,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 599 327,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш бошқармаси**	**200 683,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	200 683,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси**	**1 482 436,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 482 436,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24.	**Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**188 778,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	188 778,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**1 231 983,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 231 983,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26.	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	**1 256 550,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 256 550,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 261 719,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 261 719,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	**Инвеститциялар ва ташқи савдо бошқармаси**	**5 841 292,0**
	шу жумладан:	

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	жорий харажатлар	5 841 292,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Адлия бошқармаси**	**3 082 347,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 082 347,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30.	**Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси**	**131 821 581,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 948 281,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	122 873 300,0
31.	**Вилоят ҳокимлиги**	**274 259 730,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	274 259 730,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинма**	**5 227 555,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 227 555,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспециясининг ҳудудий бошқармаси**	**4 808 844,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 808 844,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Сайлов комиссисиялари**	**52 058,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	52 058,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35.	**Давлат архиви бошқармаси**	**2 893 596,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 893 596,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	**Маҳалла ва оила бошқармаси**	**2 258 190,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 258 190,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Бошқа ташкилотлар**	**4 135 251,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 135 251,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "23" декабрдаги
135/20-сонли қарорига
4-илова

2021 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёри

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслар-нинг мол-мулк солиғи	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	якуний истеъмол-чиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Йиғимлар (божхона йиғим-ларидан ташқари)	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	айланмадан солиқ	Сув ресурс-ларидан фойдалан-ганлик учун солиқ	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно)	қонун хужжат-ларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва сотишдан тушадиган даромадлар
1	Самарқанд шаҳри	20	20	20	10	15	10	100	100	100	100
2	Каттақўрғон шаҳри	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
3	Оқдарё тумани	50	100	50	50	35	50	100	100	100	100
4	Булунғур тумани	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
5	Жомбой тумани	50	40	40	50	30	40	100	100	100	100
6	Иштихон тумани	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
7	Каттақўрғон тумани	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
8	Қўшработ тумани	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
9	Нарпай тумани	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
10	Пойариқ тумани	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
11	Пастдарғом тумани	100	100	100	100	30	50	100	100	100	100
12	Пахтачи тумани	100	100	100	100	35	50	100	100	100	100
13	Самарқанд тумани	10	10	10	10	20	15	100	100	100	100
14	Нуробод тумани	100	100	100	100	25	50	100	100	100	100
15	Ургут тумани	100	100	100	100	30	50	100	100	100	100
16	Тайлоқ тумани	100	30	30	100	35	50	100	100	100	100

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "28" декабрдаги
135/20-сонли қарорига
5-илова

2021 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Т/р	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
	ЖАМИ	**1 116 042 820,0**
	шундан	
1	Самарқанд шаҳри	61 629 866,0
2	Каттақўрғон шаҳри	54 938 454,0
3	Оқдарё тумани	52 056 590,0
4	Булунғур тумани	57 423 805,0
5	Жомбой тумани	42 638 945,0
6	Иштихон тумани	94 854 898,0
7	Каттақўрғон тумани	65 534 847,0
8	Қўшработ тумани	62 381 557,0
9	Нарпай тумани	87 645 177,0
10	Пойариқ тумани	106 218 878,0
11	Пастдарғом тумани	99 383 735,0
12	Пахтачи тумани	71 618 506,0
13	Самарқанд тумани	35 792 606,0
14	Нуробод тумани	65 044 723,0
15	Ургут тумани	105 797 133,0
16	Тайлоқ тумани	53 083 100,0

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил «13» декабр даги
135/20-сонли қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
	ЖАМИ	**1 359 172 639,0**	**2 475 215 459,0**
1	Самарқанд шаҳри	245 021 775,0	306 651 641,0
2	Каттақўрғон шаҳри	41 891 531,0	96 829 985,0
3	Оқдарё тумани	58 223 598,0	110 280 188,0
4	Булунғур тумани	65 915 384,0	123 339 189,0
5	Жомбой тумани	66 607 626,0	109 246 571,0
6	Иштихон тумани	71 446 435,0	166 301 333,0
7	Каттақўрғон тумани	98 218 664,0	163 753 511,0
8	Қўшработ тумани	56 845 724,0	119 227 281,0
9	Нарпай тумани	66 568 979,0	154 214 156,0
10	Пойариқ тумани	80 308 716,0	186 527 594,0
11	Пастдарғом тумани	128 976 299,0	228 360 034,0
12	Пахтачи тумани	52 953 776,0	124 572 282,0
13	Самарқанд тумани	83 259 544,0	119 052 150,0
14	Нуробод тумани	53 356 323,0	118 401 046,0
15	Ургут тумани	126 045 945,0	231 843 078,0
16	Тайлоқ тумани	63 532 320,0	116 615 420,0

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "28" декабрдаги
135/20 -сонли қарорига
7-илова

2021 йил учун вилоят бюджет, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турадиган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**36 279 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	12 590 340,0
2	Самарқанд шаҳри	3 593 062,0
3	Каттақўрғон шаҳри	854 047,0
4	Оқдарё тумани	1 080 654,0
5	Булунғур тумани	1 155 892,0
6	Жомбой тумани	1 087 818,0
7	Иштихон тумани	1 405 808,0
8	Каттақўрғон тумани	1 516 691,0
9	Қўшработ тумани	1 006 203,0
10	Нарпай тумани	1 205 588,0
11	Пойариқ тумани	1 517 389,0
12	Пастдарғом тумани	2 245 565,0
13	Пахтачи тумани	1 005 546,0
14	Самарқанд тумани	1 382 366,0
15	Нуробод тумани	1 149 475,0
16	Ургут тумани	2 241 724,0
17	Тайлоқ тумани	1 240 832,0

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "29" декабрдаги
135/20-сонли қарорига
8-илова

2021 йил туман ва шаҳарлар бўйича жисмоний шахслар бўйича уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғини ҳисоблаш учун оширувчи ёки камайтирувчи ставкалар (деҳқон хўжалиғини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиғи учун мўлжалланган ерлардан ташқари)

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	2021 йил учун тасдиқланган камайтирувчи ва оширувчи ставка
1	Самарқанд шаҳри	1,2
2	Каттақўрғон шаҳри	1,0
3	Оқдарё тумани	0,5
4	Булунғур тумани	0,5
5	Жомбой тумани	0,6
6	Иштихон тумани	0,5
7	Каттақўрғон тумани	0,5
8	Қўшработ тумани	0,5
9	Нарпай тумани	0,5
10	Пойариқ тумани	0,5
11	Пастдарғом тумани	0,5
12	Пахтачи тумани	0,5
13	Самарқанд тумани	0,6
14	Нуробод тумани	0,5
15	Ургут тумани	0,5
16	Тайлоқ тумани	0,6

* Вилоят бўйича 1 кв.м. учун базавий солиқ ставкаси 297,6 сўм белгиланган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил "18" декабрдаги
135/20-сонли қарорига
9-илова

2021 йил туман ва шаҳарларнинг уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғини ҳисоблаш учун оширувчи ёки камайтирувчи ставкалар

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	2021 йил учун тасдиқланган камайтирувчи ва оширувчи ставка
1	Самарқанд шаҳри	1,1
2	Каттақўрғон шаҳри	1,0
3	Оқдарё тумани	0,6
4	Булунғур тумани	0,6
5	Жомбой тумани	0,6
6	Иштихон тумани	0,5
7	Каттақўрғон тумани	0,5
8	Қўшработ тумани	0,5
9	Нарпай тумани	0,6
10	Пойариқ тумани	0,6
11	Пастдарғом тумани	0,6
12	Пахтачи тумани	0,5
13	Самарқанд тумани	0,6
14	Нуробод тумани	0,5
15	Ургут тумани	0,6
16	Тайлоқ тумани	0,6

***** Вилоят бўйича юридик шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлари учун 1 га учун базавий солиқ ставкаси 33,0 млн.сўм белгиланган.